

**“APEX INSURANCE” Акциядорлик жамияти
Акциядорларининг
2022 йил 25 мартдаги навбатдан ташқари
умумий йиғилиши қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”**

Йиғилиш раиси



Саидов Т.М.

**“APEX INSURANCE” АЖ ТАФТИШЧИСИ ТЎҒРИСИДА”ГИ
НИЗОМ**

Тошкент – 2022 йил.

“APEX INSURANCE” АЖ тафтишчиси тўғрисида”ги НИЗОМ

МУНДАРИЖА

- I. Умумий қоидалар
- II. Тафтишчининг вазифалари ва мажбуриятлари
- III. Тафтишчининг ҳуқуқлари ва ваколатлари
- IV. Текширувлар (тафтишлар) ўтказиш тартиби
- V. Тафтишчини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш
- VI. Тафтишчи томонидан қарор қабул қилиниши

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур “APEX INSURANCE” АЖ тафтишчиси тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда – Низом) “APEX INSURANCE” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) тафтишчиси мақомини белгилайди ва унинг фаолиятини, сайланишини, шунингдек функционал вазифалари ва ваколатларини тартибга солади.

2. “APEX INSURANCE” АЖ тафтишчиси (кейинги ўринларда – Тафтишчи) Жамият, унинг таркибий ҳамда алоҳида бўлинмалари молия-хўжалик фаолияти устидан ички молия-хўжалик ва ҳуқуқий назорат функцияларини амалга оширувчи ҳисобланади.

3. Тафтишчи ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, Жамият уставига, мазкур Низомга ва Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг қарорларига амал қилади.

II. ТАФТИШЧИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4. Жамият молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) Тафтишчи, Акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра, Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

5. Тафтишчи ўз функцияларини бажаришда қуйидаги иш турларини амалга оширади:

а) Жамиятнинг молия ҳужжатларини текшириш, мулкни инвентаризация қилиш бўйича комиссия хулосаси, қайд этилган ҳужжатларни дастлабки бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштириш;

б) Жамият номидан тузилган шартномалар, тузилаётган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китоблар қонунийлигини текшириш;

в) бухгалтерия ва статистик ҳисоб юритилишининг амалдаги меъёрий ҳужжатлар билан мувофиқлигини таҳлил қилиш;

г) Жамиятнинг молиявий аҳволини, унинг тўлов қобилиятини, активлар ликвидлигини, ўз ва қарз маблағлар нисбатини таҳлил қилиш, Жамиятнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш ва Жамият бошқарув органлари учун молия-хўжалик фаолияти масалалари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш захираларини аниқлаш;

д) маҳсулот ва хизматлар етказиб берувчилар томонидан тўловлар, бюджетга тўловлар, иш ҳақи, дивидендлар, облигациялар бўйича фоизлар ҳисоблаб ёзилиши ва тўловлари, бошқа мажбуриятлар тўловлари ўз вақтида ва тўғри амалга оширилишини текшириш;

е) солиқ инспекцияси, статистик органлар, давлат бошқарув органлари учун Жамият баланслари, йиллик ҳисобот, фойда ва зарарлар ҳисоби, фойда тақсимланиши, ҳисобот ҳужжатлари тўғри тузилишини текшириш;

ж) Жамият томонидан қимматли қоғозлар ва акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш;

з) бошқа турдаги ишлар, шу жумладан Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши топшириғи бўйича Жамият Устави билан Тафтишчиси ваколатларига киритилган ишларни бажариш.

6. Тафтишчи қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

а) Акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши, Ижроия органига амалга оширилган тафтишлар ва текширувлар натижаларини хулоса, ёзма ҳисоботлар, ёзма маърузалар, Жамият бошқарув органлари йиғилишларидаги хабарлар шаклида ўз вақтида етказиш;

б) Жамият йиллик ҳисоботида киритиладиган ва Жамият йиллик бухгалтерия ҳисоботидаги маълумотлар асосланганлигини баҳолаш;

в) Жамият унинг молиявий аҳволига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хавфлар ёки бошқа вазиятлар олдида яхши ҳимоя қилинмаганлигини баҳолаш;

г) қонун ҳужжатларига, Жамият Уставига ва мазкур Низомга мувофиқ бир йил, шунингдек шахслар ташаббусига кўра исталган вақтда Жамият фаолияти яқунлари бўйича Жамият молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш;

д) тижорат сирини сақлаш, Тафтишчи ўз функцияларини бажаришда фойдаланадиган махфий ҳисобланган маълумотларни ошкор қилмаслик. Агар Тафтишчи ишига бошқа шахслар

экспертлар сифатида жалб қилинса, улар тижорат сирига риоя қилиш тўғрисида сгоҳлантирилиши керак. Улар ҳаракатлари учун жавобгарлик уларни тафтишда иштирок қилишга жалб этадиган Тафтишчига юклатилади;

е) акциядорларнинг Жамият бошқарув органлари ва мансабдор шахслар ҳаракатлари устидан шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш;

ж) Жамият молия-хўжалик, молия, ҳуқуқий фаолиятида аниқланган қоида бузилишлари ёки Жамият манфаатларига амалий хавф пайдо бўлиши Жамият бошқарув органлари томонидан ҳал қилиниши зарур ҳолларда Кузатув кенгаши йиғилиши чақирилишини, Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш.

7. Текширувлар ўтказилганда Тафтишчи текширув мавзуга тегишли барча ҳужжатлар ва материалларнинг пухта тарзда ўрганиши шарт. Тафтишчи нотўғри хулосалар учун жавобгар бўлади, унинг чоралари Акциядорлар умумий йиғилиши ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

8. Тафтишчи Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок қилиши ва йиғилиш иштирокчилари саволларига ўз ваколатлари доирасида жавоб беришлари шарт.

III. ТАФТИШЧИНING ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

9. Тафтишчи ўз функцияларини тегишлича бажариш мақсадида куйидагиларга ҳақлидир:

Жамиятнинг ҳар қандай молия ҳужжатларини, шу жумладан Жамиятни инвентаризациялаш бўйича комиссия ҳужжатларини текшириш, қайд этилган ҳужжатларни дастлабки бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштириш;

Жамият бошқарув органлари, унинг бўлинмалари ва хизматларидан, мансабдор шахслардан ўз фаолиятини амалга ошириш учун керакли ҳужжатларни талаб қилиш ва олиш. Қайд этилган ҳужжатлар ва материаллар талаб қилингандан сўнг Тафтишчига икки кун ичида тақдим қилинади;

ишлаб чиқариш-хўжалик, молия, ҳуқуқий фаолиятда қоида бузилишлар аниқланган ёки Жамият манфаатларига ўзгача хавф мавжуд бўлган ҳолатларда Акциядорлар умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;

Кузатув кенгашининг йиғилиши чақирилишини талаб қилиш. Кузатув кенгаши раиси Тафтишчига унинг талабига кўра Кузатув кенгаши йиғилиши чақирилишини рад қилишга ҳақли эмас.

Кузатув кенгаши аъзоларининг исталган бири таклифи бўйича Кузатув кенгаши йиғилишларида иштирок қилиш;

Жамият бошқарув органлари, унинг бўлинмалари ва хизматлари олдига Жамият ходимлари, шу жумладан мансабдор шахслар томонидан Жамият қабул қилган низомлар, қоидалар ва йўриқномалар бўзилган ҳолатларда уларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани кўйиш.

10. Тафтишчи Тафтишчи томонидан зудлик билан ҳал этилишини талаб қиладиган қоида бузилишлар аниқланган ҳолатда зудлик билан қарор қабул қилишга ҳақли.

IV. ТЕКШИРУВЛАР (ТАФТИШЛАР) ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

11. Жамият молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) Жамият фаолиятининг йиллик яқунлари бўйича амалга оширилади.

12. Тафтишчи Кузатув кенгашига Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) натижалари бўйича ўз хулосалари билан ҳисобот ва Жамият йиллик ҳисоботида киритиладиган ҳамда йиллик бухгалтерия балансидаги маълумотлар асосланганлигини тасдиқловчи ёки рад қилувчи хулосани Жамият йиллик ҳисоботини олдиндан тасдиқлаш тўғрисида ҳисобот кўриб чиқиладиган Кузатув кенгаши йиғилиши ўтказиладиган санагача 3 кундан кечиктирилмаган ҳолда тақдим қилади.

13. Жамият молия-хўжалик фаолиятини режадан ташқари текшириш (тафтиш қилиш):

Акциядорлар умумий йиғилиши қарори;

Кузатув кенгаши қарори;

Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби;

Тафтишчи ўз ташаббуси асосида амалга оширилади.

14. Жамият молия-хўжалик фаолиятини режадан ташқари текшириш (тафтиш қилиш) Акциядорларнинг умумий йиғилишида Жамият овоз берувчи акциялари эгалари – йиғилишда иштирок қилаётган акциядорларнинг оддий кўпчилик овозлари билан қабул қилинади. Тафтишчи Акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли баённомасини олгандан сўнг текширишга (тафтиш қилишга) киришади.

15. Режадан ташқари текшириш (тафтиш қилиш) Кузатув кенгаши томонидан йиғилишда иштирок қилаётган аъзоларининг кўпчилик овозлари билан қабул қилинади, сиртқи овоз бериш (сўровнома орқали) ҳолатида Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади. Ушбу қарор Тафтишчи номига юборилади ва уни қабул қилиш учун овоз берган Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан имзоланади.

16. Тафтишчи қоида бузилишлар аниқланганда 3 иш куни мобайнида текширув (тафтиш) ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилиши ва унинг ўтказилишига киришиши шарт.

17. Жамият акциядорлари томонидан режадан ташқари текшириш (тафтиш қилиш) ўтказилиши тўғрисида талаб кўйилиши тартиби:

17.1. Текширув (тафтиш) ташаббускорлари бўлган акциядорлар Тафтишчига қуйидагиларни ўз ичига олган ёзма талабнома юборади:

акциядорлар Ф.И.Ш. (номи);
уларга тегишли акциялар тўғрисида маълумотлар (сони, тоифаси, тури);
мазкур талабноманинг ишончли асосланиши.

Талабнома акциядор ёки унинг ваколатли шахси томонидан имзоланади. Агар талабнома ваколатли шахс томонидан имзоланса, ишончнома илова қилинади.

Юридик шахс бўлган акциядорлар томонидан ташаббус кўрсатилган ҳолатда, ўз Уставига мувофиқ фаолият юритувчи юридик шахс вакилининг имзоси ушбу юридик шахс муҳри билан тасдиқланади. Агар талабнома юридик шахс номидан ваколатнома бўйича фаолият юритувчи юридик шахс вакили томонидан имзоланса, талабномага ишончнома илова қилинади.

17.2. Текширув (тафтиш) ўтказиш ташаббускорлари талабномаси Жамият манзилига Тафтишчи номига топширилганлиги тўғрисида билдириш хатини ўз ичига олган буюртма хати билан юборилади ёки Жамият девонхонасига топширилади.

Талабнома бериш санаси унинг топширилганлиги тўғрисида билдириш хати санаси ёки Жамият девонхонасига топширилган сана бўйича белгиланади.

17.3. Талабнома берилган санадан эътиборан 10 иш куни мобайнида Тафтишчи Жамият молия-хўжалик фаолиятини режадан ташқари текшириш (тафтиш қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиши ёки тафтиш ўтказилишини асосланган тарзда рад қилиши керак.

17.4. Тафтишчи томонидан қуйидаги ҳолатларда текширув (тафтиш) ўтказилиши рад қилиниши мумкин:

талабномада текширув (тафтиш) ўтказилиши сабаби кўрсатилмаган бўлса;
текширув (тафтиш) ўтказилиши сабаблари ҳисобланган ҳолатлар бўйича текширув (тафтиш) ўтказилган ва Тафтишчи томонидан хулоса тасдиқланган бўлса;

талабномада тўлиқ маълумотлар кўрсатилмаган бўлса;
талабнома Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ёки Жамият Уставига мувофиқ бўлмаса.

Текширувлар (тафтишлар) ўтказилишида Тафтишчи текширув мавзуга тегишли барча мавжуд ва олинган ҳужжатлар ва материалларни ўрганиб чиқишлари шарт.

Жамият молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича Жамият Тафтишчиси қуйидагиларни ўз ичига олган хулоса тузади, бу хулосада:

жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонунчилик бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

Ушбу хулоса Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида тингланади.

Жамият молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) ташаббускорлари Тафтишчи томонидан текширув (тафтиш) ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилингунгача исталган пайтда Тафтишчини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда ўз талабномасини қайтариб олишга ҳақлидир.

18. Тафтишчи йилнинг ҳар чорагида Кузатув кенгаши йиғилишига Жамиятда аффилиланган шахслар билан битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек бундай битимларни тузишда қонун ҳужжатлари ва Жамият ички ҳужжатлари талабларига риоя этилиши тўғрисида хулоса киритади.

V. ТАФТИШЧИНИ САЙЛАШ ВА УНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТДАН ОЛДИН БЕКОР ҚИЛИШ

19. Жамият Тафтишчисига номзодларни кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритиш, киритилган таклифлар Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқиши ва қарорлар қабул қилиниши тартиби Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Жамият Уставига мувофиқ амалга оширилади.

20. Тафтишчига номзодларни кўрсатиш тўғрисида таклиф Жамият манзилига буюртма хати юбориш орқали ёзма шаклда киритилади ёки Жамият девонхонасига топширилади.

Таклифлар киритиш санаси почта жўнатмаси санаси ёки Жамият девонхонасига топширилган сана бўйича белгиланади.

Таклиф акциядор ёки унинг ваколатли шахси томонидан имзоланади, агар таклиф ваколатли шахс томонидан имзоланса, ваколатнома илова қилинади.

Юридик шахс бўлган акциядор томонидан ташаббус кўрсатилган ҳолатда, ваколатсиз ўз Уставига мувофиқ фаолият юритувчи юридик шахс вакилининг имзоси ушбу юридик шахс муҳри билан тасдиқланади. Агар талабнома юридик шахс номидан ваколатнома бўйича фаолият юритувчи юридик шахс вакили томонидан имзоланса, талабномага ваколатнома илова қилинади.

21. Тафтишчи Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилик овозлари (оддий кўпчилик) билан бир йилга сайланади. Жамият Тафтишчи олий маълумотли бўлиши керак ва бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгаши аъзолари бўлиши, шунингдек мазкур Жамиятнинг ўзида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлашлари мумкин эмас. Бир шахснинг ўзи Жамиятнинг Тафтишчи сифатида кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

22. Тафтишчи ўз ташаббусига кўра, Кузатув кенгашини Тафтишчи сифатида ўз фаолияти тугатишидан бир ой олдин ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, исталган вақтда ўз фаолиятини тугатишга ҳақлидир. Бундай ҳолатда Акциядорлар умумий йиғилиши яқин келгусидаги йиғилишда Тафтишчи алмаштирилишини амалга оширади.

23. Тафтишчи Тугатиш комиссияси таркибига киритилган, Кузатув кенгашига ёки Ижроия органга сайланган (тайинланган) ёхуд Жамиятда меҳнат шартномаси бўйича ишни бошлаган ҳолатда, ушбу шахс Тафтишчи сифатида ўз фаолиятини тўхтатиши шарт. Бунда, Акциядорлар умумий йиғилиши яқин келгусидаги йиғилишда Тафтишчи алмаштирилишини амалга оширади.

24. Тафтишчи ваколатлари қуйидаги асослар бўйича йиғилишда иштирок қилаётган Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилик овозлари билан қабул қилинадиган Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан муддатдан олдин бекор қилиниши мумкин:

текширув ўтказишда Тафтишчи томонидан текширув мавзусига тааллуқли барча ҳужжатлар ва материаллар тегишли равишда ўрганилмаганда ва бу Жамиятнинг Тафтишчиси томонидан нотўғри хулоса чиқарилишига олиб келганда;

Тафтишчи томонидан мазкур Низомнинг 6-банди бажарилмаганда;

Тафтишчиси томонидан Жамият учун салбий оқибатларга олиб келган бошқа ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) содир этилганда.

25. Агар Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Тафтишчининг ваколатларини муддатдан олдин бекор қилган бўлса, бундай қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда Кузатув кенгаши кун тартибининг Тафтишчини сайлаш тўғрисидаги банди билан Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Қонун ҳужжатларига ва Жамият Уставига мувофиқ Жамият бошқарув ва назорат органларига номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига эга акциядорлар Жамиятнинг Тафтишчисига номзодлар бўйича таклифлар киритишлари мумкин.

VI. ТАФТИШЧИ ТОМОНИДАН ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ.

26. Тафтишчи барча масалаларни ёзма шаклда расмийлаштириладиган қарор қабул қилиш оркали хал этади. Тафтишчи тасдиқланган режага мувофиқ, шунингдек текширув ёки тафтиш бошланишидан олдин ҳамда уларнинг натижалари юзасидан қарорлар қабул қилади. Тафтишчи ўзи томонидан тез ҳал этилиши талаб қилинадиган қоида бузилишлар аниқланган ҳолатда зудлик билан қарор қабул қилиши мумкин.

27. Ушбу Низомда акс эттирилмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Жамият Устави ҳамда акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тартибга солинади.